

State Agricultural Policy in Increasing the Competitiveness of Agricultural Products

Eshev Alibek Sobirovich

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг турлари ва услублари бир бутун тизим шаклида ўрганилган ва аграр секторда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда уни қайта ишлайдиган саноатни етакчи ўринга кўтариш қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилган.

Ключевые слова: рақобат, рақобатбардош, экспортбоп, давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги.



Кириш. Бозор иқтисодиётида рақобат – ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, унинг техник даражаси, маҳсулот сифати ошишини таъминлаб берувчи ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг оптимал товар тузилмасини шакллантириб берувчи элементлардан биридир. Шунинг учун товар хўжалигининг ҳар бир субъекти рақобатбардош бўлиши зарур. Бу хусусият унга бозорда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан товар ишлаб чиқариш, сотиш ва сотиб олишда ўзи учун фойдали бўлган шарт-шароитларда кураш олиб боришга ва энг кўп фойдага эга бўлишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади. Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади”¹, қайд этилганлиги, айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида рақобатбардош маҳсулотларини етиштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўта қимматли навларини етиштириш ва қайта ишлаш, уларни экспорт қилиш соҳасида катта салоҳиятга эга. Аграр секторда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни қайта ишлайдиган саноатни етакчи ўринга кўтариш қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ушбу вазифани ҳал қилиш, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев бир неча бор таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини ҳамда уни қайта ишлайдиган корхоналарнинг самарадорлигини оширишни, ички ва ташқи сотиш бозорларини янада кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Рақобатдошлик, корхоналарнинг, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳам рақобатбардошлигини тараққий эттириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муаммолари мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари У. Умурзаков, Ф.Х. Назарова, Н.С. Хушматов, Т.Х. Фарманов, Ф.Қ. Қаюмов, Р.Х. Хусанов, Қ.А. Чориев, С.С. Фуломов, Р.Д. Дустмурадов, Ф.Т. Эгамбердиев, Ф.Т. Маматов, О.Т. Жумаев, К.А. Кабанов, О.Г. Дилмуродов, Д.Д. Гофуров, Я.И. Геккер, Ф.Жўраев, С. Мазурин, А.Д. Маматов, З.А. Сагдиллаева, Б.Ф. Султонов, С.Р. Умаров, Д.Н. Саидова, И.Б. Рустамова, В.И. Зуев, О. Қодирхўжаев, Х.Ч. Бўриев, С.Т. Искандаров, Г.А. Саматов, И.Б. Рустамова, Т.А. Очилов, Х.З. Исматуллаева, Т.Қудратов, Н. Файзиева, А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешовлар каби қатор аграр иқтисодчи олимлар эътиборга молик илмий тадқиқот натижаларига эришган².

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр.


² Зуев В., Атаходжаев А., Қодирхўжаев О. Ҳимояланган ерларда кўчат ва сабзавотларни етиштириш. Тошкент 2007 – 337 б.; Искандаров С.Т. Сабзавотчилик тармоғида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари // Монография. – Тошкент. “Fan va technology”, 2016й. – 152 б.; Бўриев Х.Ч., Саматов Г.А., Рустамова И.Б. Агрологистика асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент 2003 -256 б.; Зуев В.И., Қодирхўжаев О., Адиллов М.М., Акрамов У.И. Сабзавотчилик ва полизчилик. Ўқув қўлланма. 2010 – 388 б.; Муаллиф: Ғ.А.Саматов, Ж.Й. Ёдгоров, З.Т.Сиддиқов. Иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш ва юритиш. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2007 – 280 б.; Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озик-овкат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. 2016 – 290 б.; Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. 2004 – 280 б.; Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Дарслик. 2005 – 420 б.; Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб

Тадқиқот методлари. Ушбу тадқиқот ишида монографик, ҳисоб-конструктив тузилмавий (рақобатбардошлик параметрларини аниқлаш), эксперт баҳолаш, анкеталаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш (рақобатбардошлик стратегияси ва баҳолашни аниқлашда) ва бошқа махсус илмий абстрактлаш ва мантикий умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда жаҳон амалиётида ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг роли тўғрисидаги масалага уч хил ёндашув шаклланган. Улардан биринчиси давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашмаслик концепциясида тақдим этилган. Ўз негизига кўра у сиёсий иқтисодиёт классикларининг назарияларигача бориб тақалади. Иккинчи ёндашувни “давлатнинг иқтисодиётга чегараланган интервенцияси” деб номлаш мумкин. У монетаристик назарияларга асосланган макроиқтисодий сиёсатни олиб боришни кўзда тутди. Учинчи ёндашув иқтисодий сиёсатни турли хил воситалар билан олиб боришда давлатнинг фаол ролини назарда тутди, чегараланган ишлаб чиқариш ресурслар бошқарувидан бошлаб, турли хил методлар билан тузилмавий-тармоқли ва тузилмавий-ҳудудий сиёсат олиб боришгача. давлатнинг иқтисодиётдаги роли узлуксиз ва тўхтовсиз ошиб борди. Бу ҳақида, хусусан, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иқтисодиётидаги давлат секторининг роли гувоҳлик беради. Замонавий ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигининг барпо бўлиши ва ривожланишида давлатнинг тартибга солиш ролининг тенденцияси етарлича аниқ намоён бўлди (1-расм).

чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. 2004 – 440 б. ; Ваҳобов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. 2011 – 380 б.; Очилов Т.А, Исматуллаева Х.З. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. 2007 – 286 б.; Жалолов Ж., Фаттахов А., Аҳмедов И., Хотамов И., Ходжамуратова Г., Азларова А., Шадманкулов А., Жалолова Д., Қосимов Д. Бизнес маркетинги. Дарслик. 2007 – 280 б.; Ғуломов С.С., Қосимов Ғ.М. Маркетинг илмий тадқиқот методологияси. Дарслик. 2013 – 320 б.

Қудратов Т., Файзиёва Н.Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. Дарслик. 2012 -288 б.; Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х.Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. 2003 – 380 б.; Гулямов С., Қосимов Ғ., Холмирзаева Д., Саидахмедов С.Замонавий ишлаб чиқариш менежменти. Дарслик. 2013 – 288 б.; Абдурахимов И.Л., Умурзоқов У. П. Сув хўжалиги менежменти. Т. “Иқтисод-молия”. Т.: 2008.; Султонов А.С., Умурзақов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. –Т.: 2016. – 206 б.



1-расм. Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириш регуляторлари (тартибга солувчилар) тизими

Бу ўзига хос (специфик) номонопол ва ҳимояланмаган тармоқдир, унинг аҳоли фаровонлиги ва мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашдаги ўзига хос алоҳида муҳим вазифасини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи

субъектлар рақобатбардошлигининг ҳар томонлама ўйлаб кўрилган тартибга солувчилар (регуляторлар) тизими талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, кўрсатиб ўтилган тартибга солувчилар (регуляторлар) тизими воситалар (маблағлар), методлар ва бозор қонунлари, товар ишлаб чиқарувчи тармоқлар маҳсулотлари ривожланишини давлат ва нодавлат кўллаб-қувватланишлар барчаси бирикишга (хамоҳангликка, бирлашишга, қўшилишга, мос келишга) асосланиши зарур. У қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган.

Бизнинг нуктаи назаримизга кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарининг самарали ишлашлари, уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлашни ва бозор тамойилларини оптимал тарзда бириктириш (ҳамоҳанглаштириш, бирлаштириш, қўшиш, мослаштириш) зарур. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг у ёки бу тармоқлари маҳсулотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш – бу бозор механизмининг давлат регуляторларининг таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, у хўжалик юритиш субъектларининг даромад (фойда) келтирувчи ўз фаолиятларидан барқарор натижаларга эга бўлишларини ва рақобатли позицияларни яхшилаш учун мақбул (қулай) муҳит яратиш олишларини кўзда тутди. Шунингдек, бозор талаблари асосидаги ўзини-ўзи тартибга солиш туришининг бир вақтда амалга оширилиши кўрсатиш ўтилган методларнинг рационал бирикиш (ҳамоҳанглик, қўшилиш, мослашиш) муаммосини илгари суради. Унинг ечимининг асоси – ўзини-ўзи бошқаришга асосан келиб чиқувчи замонавий бозор иқтисодиёти шароитидаги мураккаб жараён сифатида давлат ва бозорнинг ўзаро муносабатларини тушуниш ҳисобланади.

Иқтисодчи олимлар, аграрчилар қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва аграр секторни ривожлантириш тамойилларини (принципларини) белгилашда турлича ёндашадилар. Бинобарин, Н.Хорунже нинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва аграр секторни ривожлантиришнинг асосига “қишлоқ хўжалик ислохотлари жараёнлари бошқарувининг узлуксизлиги ва комплекслиги тамойили қўйилиши зарурки, ундан келиб чиққан ҳолда АСК ларида қолоқлик ва кризис ҳолатларни бартараф этишнинг ягона йўли орқали аграр сиёсатга шу кунларда қонунчилик ҳужжатларида қабул қилиб бўлинган, биринчи даражали аҳамият касб этувчи мақом берилиши, тегишли бош ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши бўйича тегишли ишларни ташкиллаштиришга эришиш мумкин”.

Бизнинг қаршимизга кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўсимликшунослик маҳсулотларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- **устуворлик ва аграр протекционизм** (давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини ҳориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат). **Устуворлик**– мамлакат тараққиётининг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларини белгилаб олишни билдиради, уларни ечишда давлат кучларни жамлаши, хусусан аграр секторни иқтисодиётнинг устувор тармоғи сифатида белгилаб олишга қаратиши лозим бўлади. **Аграр протекционизм** – аграр секторнинг манфаатларини мамлакат ичкарасида ҳам, хорижда ҳам фаол ҳимоялашни назарда тутди;
- **тизимийлик ва комплекслилик**. **Тизимийлик** шуни билдирадики, бунда давлатнинг таъсири тизимли характерга эга бўлиши зарур, **комплекслилик** эса – давлат аграр секторни қўллаб-қувватловчи ўз ихтиёрида бор бўлган барча восита ва инструментлардан фойдаланиш заруратидир;
- **олдидан айтаолиниши (башоратлаш) ва шаффофлик**. **Олдидан айтаолишлик (башоратлаш)** тартибга солиш туричилик (регуляторлик) фаолиятининг давлат сиёсатига, шунингдек регуляторлик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича режаларга мос келишлигини билдиради, бу эса хўжалик юритиш субъектларига ўз фаолиятларини режалаштиришга имкон беради. **Шаффофлик** қонунчилик ва бошқа регуляторлик ҳужжатлар, уларнинг бажарилиш тартиблари, уларнинг бажарилишини

таъминловчи тегишли органлар иши ҳақидаги тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ва умумфойдаланилиш мумкинлигини кўзда тутди;

- **кетма-кетлик ва ҳаққонийлик.** Кетма-кетлик регулятор ҳужжатларнинг давлат регуляторлик сиёсатининг асосий қонунлари ва қоидалари, бошқа қабул қилинган тегишли қонунчилик ва регуляторлик ҳужжатлари билан мос келишини (келишувини) кўзда тутди. **Ҳаққонийлик** – ҳўжалик юритиш фаолиятидаги барча субъектларнинг тенгҳуқуқлилиги таъминланишини билдиради;
- **тушунарлилик ва самарадорлик.** Тушунарлилик шундан иборатки, бунда регуляторлик ҳужжатлари мазмуни бўйича содда бўлиши зарур, икки маъноли талқинга йўл қўйилувчи ҳолат ва қоидалар бўлмаслиги талаб этилади.

Самарадорлик тамойили регуляторлик ҳужжатида бўладиган наф, фойда ёки манфаатлар таҳлилидан иборат бўлиб, унинг тадқиқ этилишида, ҳўжалик юритиш фаолияти субъектлари, фуқаролар ва давлат томонидан сарфланган маблағларнинг (воситаларнинг) асосланганлиги ва мазкур регулятор ҳужжати қўйилган мақсадга эришишда бўлиши мумкин бўлган бошқа альтернативалардан (муқобилларидан) энг самарали эканлиги инобатга олинади;

- экологик мақсадга мувофиқлик, давлат регуляторлик сиёсатининг экологик ўлчамини билдиради, яъни давлат регуляторлик сиёсатини ташкил этувчилари экологик тоза кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан (стимуллашдан) иборат бўлиши зарур;
- барча ҳўжалик юритиш шаклларида тенглиги;
- экологик ва ижтимоий мақсадларнинг қўшилиши (хамоҳанглиги).

Аграр секторнинг кишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш тамойиллари давлат томонидан ўз иқтисодий сиёсатини маълум бир методлар ёрдамида олиб боришида бажариладиган функцияларни амалга оширишнинг муайян механизмларида ўз аксини топади. Шунга кўра давлат қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- **қонунчилик:** давлат барча мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакллари учун бир хил бўлувчи бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади;
- **барқарорлаштирувчи:** давлат юқори даражадаги бандлик ва нархлар тенглигини қўллаб-қувватлайди;
- **тақсимловчи:** даромадларнинг жамиятда ҳаққоний (адолатли) тақсимланиши, бозор иқтисодиётида ресурсларнинг самарали жойлашуви.

Бугунги кунда, А.Д.Дибровна нинг фикрига кўра давлат регуляторлик таъсири кишлоқ ҳўжалигининг ривожланишига бир томондан етарлича аҳамиятли десак, бошқа бир томондан эса – етарлича самарали эмаслигича қолмоқда. Биз томонимиздан кишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг қўллаб-қувватланишининг турлари ва услублари бир бутун тизим шаклида тақдим этилмоқда (1- жадвал).

**1- Қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш
турлари ва услублари**

Турлари	Услублари
Ҳуқуқий таъминлаш	1. Қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш. 2. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг сифатини яхшилаш. 3. Бир-бирига зид келмайдиган бир бутун ўзаро боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимини яратиш.
Товар ишлаб чиқарувчилар даромадининг барқарорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш	1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва олди-сотдини амалга оширувчиларни квоталаш. 2. Дотациялар ва компенсациялар. 3. Кафолатланган минимал нарх. Гаров нархларини киритиш. 4. Имтиёзли, илмий-асосланган кредитлаш ва солиққа тортиш. 5. Суғурталаш. 6. Давлат ва ҳудудий фондларда озиқ-овқатлар сотиб олиш. 7. Аҳолининг барқарор тўлашга кодир эҳтиёжини қувватлаш. 8. Ҳорижий рақобатчилар интервенциясидан ҳимоялаш. 9. Кредитларнинг давлат кафолати.
Инфратузилмавий таъминот	1. АСК корхоналари ишининг барқарорлигини ошириш манфаатида ишлайдиган инфратузилмалар яратиш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш. 2. Маркетинг хизмат кўрсатиш тизимини яратиш. 3. Улгуржи ва чакана бозор тизимини яратиш. 4. Товар биржалари, ярмаркалар, опционлар тизимини яратиш. 5. Ер, инвестиция, кооператив банклар тизимини яратиш.
Моддий-техник қўллаб-қувватлаш	1. Лизинг механизмини йўлга қўйиш. 2. Янги техникалар ишлаб чиқариш ва янги технологияларни жорий этишда улушли (ҳиссали) молиялаштириш. 3. Янги техникаларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишда имтиёзли кредитлаш, солиққа тортиш, тезлаштирилган амортизация. 4. Кооперативларни янги техникалар олишда қўллаб-қувватлаш.
Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш	1. Экспортчиларнинг ташқи бозорга чиқишлари учун маркетинг хизмати кўрсатиш, хорижий инвесторларни топиш, янги ускуналар импорти. 2. Импорт қилинувчи озиқ-овқат товарларига бож тарифлари, компенсация йиғимлари, солиқлар тизими ёрдамида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. 3. Ишлаб чиқариш, қўшма корхоналар яратиш соҳасида хорижий инвестор учун қулай шароит яратиш. 4. Илғор техника ва технологияларни импорт қилишда хорижий кредиторлар учун давлат кафолатини тақдим этиш. 5. Халқаро бозорда рақобатбардош қишлоқ хўжалик товарларини экспорт қилишда демпинг сиёсатини юритиш.
Илмий жиҳатдан таъминланганлик	1. АСМ барқарорлиги муаммолари бўйича фаннинг асосий йўналишларини молиялаштириш. 2. Илмий кадрлар етиштириш сарф-ҳаражатларини молиялаштириш. 3. Жаҳон стандартларига жавоб берувчи инвестициялар асосида технологиялар ва техникалар ишлаб чиқиш сарф-ҳаражатларини молиялаштириш. 4. Илмга оид маҳсулотларга буюртмалар беришни, технопарклар, техноинкубаторлар ташкиллаштиришни рағбатлантириш (стимул бериш) йўли билан янгиликлар киритиш бозорини

	шакллантиришда қўллаб-қувватлаш. 5. Илмий-методик консультацияларни қисман молиялаштириш. 6. Қайта ишлаб чиқариш барқарорлигини илмий таъминлашда тадбиркорлик тузилмалари томонидан солиқсиз ва имтиёзли маблағ киритиш тизими.
Кадрлар таъминоти	1. Тайёрлов даражаси зарурий стандартга етгунга қадар молиялаштириб бориш йўли билан АСМ тузилмавий бўлинмаларининг тадбиркорлари, менежерлари, ходимларини (давлат) тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкиллаштириш. 2. АСМ кадрларини тегишли жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи хусусий ўқув муассасаларининг иш юритишлари учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қўллаб-қувватланиши муаммоларига оид олимларнинг қарашларини таҳлил этганимизда биз томонимиздан унинг турлари ва услублари белгилаб олинди.

Бизнинг қарашларимизга кўра, ўсимликшунослик маҳсулотларига нисбатан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қўллаб-қувватланиши бўйича чора-тадбирларни қуйидагича икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўсимликшунослик қишлоқ хўжалиги корхоналари ривожланишида тармоқни тартибга солиш бўйича маъмурий ва режавий чора-тадбирларнинг қабул қилинишини ўз ичига олувчи давлатнинг тўғридан-тўғри бевосита таъсири;
- билвосита таъсиир кўрсатиш – нарх-наво, молия-кредит, солиқ ва инвестициявий механизмлар.

Шунга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қўллаб-қувватланиши бир қатор услублар ёрдамида олиб борилиши мумкин. Ўсимликшунослик маҳсулотларини юритишга тўғридан-тўғри бевосита таъсири қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- бюджет орқали тартибга солиш: бюджетни ўзлаштириш, агросаноат корхоналари учун кредитлар бўйича фойзли ставкаларини субсидиялаш;
- давлат дастурлари ва давлат буюртмаларини шакллантириш йўли билан тартибга солиш;
- ижтимоий тартибга солиш, шу билан бирга давлат ижтимоий суғурталаш;
- меҳнат шарт-шароитларини, меҳнат муносабатларини, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш. Меҳнат муҳофазасини таъминлашга, меҳнат шартномаларига риоя этишга чақирувчи меҳнат ва бандлик тўғрисидаги давлат қонунчилиги шаклида ифодаланadi;
- атроф-муҳит муҳофазаси ва тикланишини тартибга солиш ифлослантирганлик учун жарималар ва санкциялар кўринишида табиатни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек мажбурий тарзда табиатни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини бажариш бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни кўзда тутadi;

- маълум бир фаолият турларини чегаралаш ва тақиқлаш, давлат лицензияси воситасида тартибга солиш;
 - давлат мулки ҳисобланувчи аграр корхоналарни бевосита бошқариш.
 - Билвосита тартибга солиш куйидагича услублар орқали амалга оширилади: Солиққа оид тартибга солиш. Солиқ ставкаларини, божхона солиқлари ва йиғимларини тайинлаш ва дифференциациялаш, солиқ имтиёзларини киритиш, солиқдан озод қилиш йўли билан амалга оширилади.
1. Пул-кредитга оид тартибга солиш, у орқали давлат пул айланмасига таъсир кўрсатади.
 2. Нархга оид тартибга солиш. Баъзи бир жамоатчилик аҳамиятига эга муҳим товарларга охириги чегара нархлар ўрнатиш ёрдамида амалга оширилади.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўсимликшунослик маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизимининг иқтисодий моҳиятига нисбатан ҳулоса қилишга имкон беради. Бундай тизим дейилганда биз, бозор шароитида тартибга солишни мувофиқлаштиришнинг кўп элементли тизимостини ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимостини ўз ичига олувчи бир бутун кўп поғонали иқтисодий муносабатлар тизимини тушунамиз.

Бу йўналишда қишлоқ хўжалик корхоналарининг у ёки бу тармоқлари маҳсулотларини ривожлантиришга сарфланадиган давлат харажатлари улуши (давлат фаоллиги кўрсаткичи сифатида), ва иқтисодий ўсиш, шунингдек рақобатбардошликнинг ошиши (мавжуд иқтисодий жараёнларни тартибга солиш шароитида ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичи сифатида) ўртасидаги алоқани излаш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр .
2. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. 2016 – 290 б.;
3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. 2004 – 280 б.;
4. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Дарслик. 2005 – 420 б.;
5. Қудратов Т., Файзиева Н. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. Дарслик. 2012 -288 б.;
6. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. 2003 – 380 б.;
7. Гулямов С., Қосимов Ғ., Холмирзаева Д., Саидахмедов С. Замонавий ишлаб чиқариш менежменти. Дарслик. 2013 – 288 б.;

8. Shoxujaeva Zebo Safoevna, Mamanazarova Nasiba Juraevna. ANALYSIS OF ECONOMIC EFFICIENCY OF THE USE OF IRRIGATED LAND IN AGRICULTURE AND FACTORS ON THEM. https://cibg.org.au/index.php/cibg/article/view/article_10445.html
9. Shoxo'jaeva Zebo Safoevna, Samandarov Mirzoxid Mirjamilovich. DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP AND IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC BASES OF ITS STATE REGULATION. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. <https://saarj.com>. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 2, February 2021 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.492. DOI 10.5958/2249-7137.2021.00780.1.
10. Shoxo'jaeva Zebo Safoevna, Murodova Nargiza Utkirovna. Organizational and economic basis for the development of cotton and textile clusters. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. <https://saarj.com>. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 2, February 2021 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.492. DOI 10.5958/2249-7137.2021.00531.0
11. Shoxo'jaeva Zebo Safoevna, Temirova Feruza Sagdullaevna. Food provision of the population of the republic of uzbekistan in pandemy conditions: problems and solutions. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. <https://saarj.com>. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 2, February 2021 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.492. DOI 10.5958/2249-7137.2021.00535.8.